



# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ ҚОМУСИ—МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА УМУМБАШАРИЙ ИСТИҚБОЛ ҚОНУНИ

[Давоми. Боши 1-бетда.]

Тўртинчидан, Асосий Қонунимизда сўнгги йилларда Республикада жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ўтаётган янги конституциявий институтлар ўз аксини топган. Бундай институтлар жумласига Президентлик бошқарув шакли, ҳокимлик институти, Конституциявий назорат, сайлов тизимидан ўзгаришлар, кўппартиявийлик, мулкчиликнинг хилма-хиллиги ва ҳоказолар кирди. Шу сабабларга кўра Асосий Қонунимиздан ҳам мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси деса бўлади. Асосий Қонунимизни олдинги ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажратиб турадиган жиҳатлари куйидагилардан иборат:

1. Ававалбор, ўзининг туб моҳияти ва мақсадлари билан, Республиканинг олдинги Асосий Қонуни собиқ Иттифоқ тарихида қозоғидега «мустақил» бўлган давлатнинг Конституциялари эди.
2. Асосий Қонун ўзининг ички тузилиши ва янги Конституциявий институтлари билан ҳам ажралиб туради. Бунда ўтган йил қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун муҳим мезон бўлиб хизмат қилди.
3. Асосий Қонун бошқа конституциялардан фарқи ўлароқ, ўта мафуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан сугорилмаган. Умумибашарий инсоний қадриятлар биз ҳурбатган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини асос бўлмоғи керак.
4. Асосий Қонун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳалқеро ҳуқуқ талаб ва қондаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган. Чунки Ўзбекистон халқеро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг Конституциясида шундай талаб ва қондаларини олишим ва мустақамлашим керак.
5. Асосий Қонун жаҳон Конституциявий таърибасига кенг таъиниш ва инсоний томонлардан атрафлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради.

## АСОСИЙ ҚОМУС: ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

КОНСТИТУЦИЯ Муқаддима, 6 бўлим, 28 боб, 127 моддадан иборат. Ўз ички тузилиши билан Асосий Қонун жаҳон конституциявий амалиётига мос келади. Муқаддимда конституциявий тартибга солинмиши асосий мақсади баён қилинган. Конституциянинг асосий мақсади — давлат қўлидаги инсон — жамият — давлат. Биринчи бўлида мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, Конституция ва қонуннинг устуңлиги қабул қилинган.

Асосий Қонуннинг II бўлими Конституциявий марказий муаммо — инсон ҳуқуқлари масаласига бағишланган. Ҳажим бўйича энг катта бўлимлардан бири. Умуман бўлим инсон ҳуқуқларига бағишланган асосий халқеро ҳужжатлар талабларига мос равишда тайёрланган.

Учинчи бўлим «Жамият ва шахс» деб номланган бўлиб, бирор бир бошқа давлат конституцияларида учрамайди. Бу бўлимнинг Конституцияга киритилишининг сабаби нима? Биринчидан, совет тузуми ҳужумкорлик қилган йилларда ўта давлатлаштириш сиёсати натижаси ўлароқ, жамиятнинг барча жаҳдлари давлат назорати остида эди. Айни вақтда давлат тушунчаси жамият тушунчасидан тор бўлиб, жамиятнинг бир тарихий қисмида, ҳолос. Иккинчидан, жамият институтлари билан давлатнинг ўзаро муносабатлари аввалбор Конституцияда даражасида белгиланмоғи зарур. Учинчидан, давлат тарихига кирмаган жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари ўзининг конституциявий мақомини топган.

тон билан ўзаро муносабатларига махсус боб бағишланган.

Бешинчи бўлим давлат ҳокимияти идораларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, Конституцияда энг катта қисм ҳисобланади. Бу бўлида ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзининг амалий ифодасини топган, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари муайян тартибда мустақамланган. Давлатимизнинг марказий идоралари Олий Мақлис, Президент, Вазирлар маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Ҳужалик Судлари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг конституциявий мақоми белгиланган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва мудоффа масалалари ҳам ўзининг конституциявий тартибга солиш доирасига кирганлар.

Сўнгги олтинчи бўлим Конституцияни ўзгартириш муаммосига бағишланган бўлиб, ҳуқуқий нуқтан назардан Асосий Қонуннинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

## КОНСТИТУЦИЯ ВА КЕЛАЖАК

1992 йил 8 декабрь — Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинган кун. Шу кундан бошлаб Асосий Қонунимиз кучга кирди. Бир кун мамлакатимизнинг чинкам миллий давлат байрам кунига айланди. Шу муносабат билан Давлатимиз тарихининг эртанги кунига назар солишга эҳтиёж туғилди. Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул этиш улкан қонун ижодкорлик фаолиятининг бошланishi ҳолосидир. Асосий Қонун истиқлол йўлидаги тараққиётимизнинг пойдеворини ташкил этади. Шунинг учун ҳам қўятган ҳар бир қадамимиз Конституцияда мустақамланган қоида ва талаблардан келиб чиқмоғи зарур. Бу борада энг асосий вазифа аввалбор Конституция мазмунини тарғиб қилишдир. Шу муносабат билан барча мактаб, ўрта махсус ва ўқув юрталарида ўқитилган умумий ҳуқуқ асослари дари ўрнига «Конституция асослари» номи фани ўқитилса мақсада мувофиқ бўлар эди. Чунки ҳар бир фуқаро давлатнинг Асосий Қонунини, унда инсонларга берилган ҳуқуқ, эркинликлар ва Бурчлар, давлат ҳокимияти идораларининг тузилиши, уларнинг ваколатлари ва фаолият мезонларини билиши ҳам қарз ва фарзидир. Конституцияга ҳурмат муносабатда бўлиш, унинг қондаларини изчил бажариш ҳуқуқий давлат сори амалий қадамларимизнинг асоси бўлиши керак. Ақмак САИДОВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.



Сайёра Раҳимжўаева Пўлдош Охуқбобоев номдаги бош кийлар фабрикасида 11 йилдан бери меҳнат қилади. Корхонадаги бош киймаларнинг сифатини таъйрланишида унинг ҳам бошқа ҳаммасбларини каби ўз ҳиссаси бор.

СУРАТДА: Сайёра Раҳимжўаева.



## \* Мини бир касб БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ЗАРУР

— III фаолиятини 1970 йилда ижарадаги «Тошкент тўқимачилик комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув цехидан бошлаганман, — дейди Самат ака Арамазов. — У ерда икки йил ишлаганман сўнг шифкорлар қаттиқ шовқинда ишлаш мумкин эмаслигини айтишгандан кейин, калавалаш-тандалаш цехига ўтдим. Мен бу ерга ишга ўтган, ўша ўтмишга айланиб кетган олис йилларда калавалаш ускуналари олдий кўрилмадан иборат эски, лекин ишлашга жуда яроқли дастгоҳлар эди. Айниқса ускуналар калаваловчилар учун ҳеч қандай қийинчилик ва оғирлик туғдирмади. Чунки калаваловчилар ҳозиргидек оёқда туриб эмас, балки курсига ўхшаган ажойиб мосламада ўтириб ишлайди. Бу ўтиришларнинг ҳаракати оёқ қўйилмаган жойга ўрнатилган икки харакамли турмуш қисмига боғлиқ бўлиб, ўнг томондаги боғиласи ўнга чап томондаги боғиласи чапга харакаتلанди. Тандалаш ускуналари ҳам ҳозирги замонавий ишлардан касоний фарқи қилса ҳам иш жараянида бу тароват сезилмасди. У вақтларда тандалаш ускуналари ҳозиргидек 8 та эмас, балки 7 та, калавалаш дастгоҳлари ҳам ҳозиргидек 16 та эмас, балки 15 та эди. Ушундан ҳам ишчиларнинг кўпчилиги қарамай, махсус олдингадан сўнг ускуналарга ўрналиб қолган ишларни қирғиш учун калаваловчиларнинг ўзларида ҳам пичоқ бўларди. Умуман омиқор ердмчиларга ҳам, калаваловчиларга ҳам осон эди. Энди ускуналар замонавийлашиб уларни бошқариш ва тузатиш ҳам шу соҳада етарлича билим ва тажрибага эга бўлиш зарурлигини тақозо этади...




МИЛЛАТИ ким бўлишидан қатъи назар аёлларнинг барчаси зебу-зийнатлари билан жозибалидир. Айниқса, ҳар бир миллат вакиллари ўзига хос бўлган тақинчоқларини кўз-кўз қилганда уларнинг урф-одатлари ҳаёт тарзи билан танишасиз-қўлииз. Шаҳримиздаги заргарлик заводидан ишлаб чиқарилаётган миллий тақинчоқлар ажойиб кўринишга эга бўлгани учун ҳам жаҳонда доғ таратаётган. — Иейинги вақтда ўзбек тилосининг қай даражада қимматбахо эканлиги ва унинг нархи оғир кетганини ҳеч кимга сир эмас. — дейди корхона бадий беақ Фозилжон Отамухамедов. — Шунинг учун ҳам биз кейинги вақтларда муаллифлик ишларини жонлантириб юбордик. Ўн нам хом ашё сарфлаб шунга яраша озгинаю-соғина махсуслаб ишлаб чиқаряпмиз. Яна шуниси аҳамиятлики, бу махсуслаб фақат бир нусхада яратилади... Шундай дей Фозилжон ака бизни қизгин иш олиб бораётган заргарлар ҳузурига қорлади ва: — Мана, яқна тартибда ишлайдиган моҳир заргарларимиздан бири — уста Шавкат Саъдуллаев, — деб таништирди. У кишини суҳбатга тортидик. — Ешлиқдан меҳр қўйган касбинг қалбинга ўрнашиб қолса, ундан кейинчалик сира ҳам ажрала олмас экансан, — деб сўз бошлади уста. — Ҳаш-паш дегунча 27 йил бўлиб қолибди шу даргоҳда меҳнат қилаётганимизга. Эҳ-ҳе, орада қанчадан-қанча болалар ҳунар ўрганди. Уларни ҳам яхши меҳнат қилишга ўргатдик. — Айнан ҳозир қандай иш қилаёсиз? — Ҳозир қўлимда асвадган ишим қашқар балдоғи. Бу зирак миллий тусда бўлиб, ўта ноқил ишдир. Унга бутун меҳрингиз билан ёдоқмасангиз кутингандай чиқмаслиги мумкин. Мураккаблиги шунданки, бир жуфт зирак учун 32 та детал ишлатилади. Бунинг чизмасидан тортиб, то энг сўнгги ишигача ўзимиз бажарамиз. Шунинг учун ҳам бу ишларнинг ҳар бирига «Муаллифлик иши» деган тамга қўйилади. — Яқна нусхада ишланган махсуслаблар қаерларда сотилади? — Корхонамизга қарашли

## \* Меҳнат жамоаларида АЁЛЛАРГА КЎРКАМ БЕЗАКЛАР



салон-дўкон мавжуд. Энг янги махсуслаблар даставвал шу ерда сотилади. Мавжуд чехимиюда 17 йилдан бунён меҳнат қилаётган Нўмон Муҳамедов, Гўбейдин Жапполлар бор билим ва ҳунарларини ишга солиб, самарали ишланган орқали турли хилдаги зирак, биллак, узук ва бошқа турдаги тақинчоқларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Кейинги вақтда махсуслабларимиз қанчалар миллий тусда бўлиши шунча харидориги бў-



лаёт. Салон-дўкон мудири Акбар Ҳошимов ҳам бундай фирини кўп таъкидлади. — Пехдан чиқиб ушбу салон-дўконга йўл олдик. Бу ерда айтарли одам кўп бўлмасда, лекин кўрамага қўйилган тақинчоқларни завқ билан кузатаётганлар бор эди. Дўкон мудири Акбар Ҳошимов қилинаётган ишлар ҳусусида куйидагиларни гапириб берди: — Эҳтимол бу дўкон нима учун завод биносига туташ жойда жойлашган, деб таажжубланаётган бўлсангиз керак. Бундай қилинганлигининг асосий сабаби шунданки энг аввало ишчиларга қўлайлик бўлиши деган мақсадда дўкон шу ердан очилган. Бу ерда заводда ишлаб чиқарилаётган махсуслаблардан энг биринчи намунаси сотилади. Агар харидор томонидан талаб кўчи бўлса, уша, махсуслаб янада кўпроқ ишлаб чиқарилиб шаҳримизнинг бошқа дўконларига ҳам юборилади. Салон-дўконимизнинг аҳоли учун қўлай томони шунданки, агарда тилла ёки нушудан ясалган тақинчоқлари синиб ёки бир бўлаги йўқолиб қолган бўлса, бу-руқчаларнинг талабига қар-

## \* Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? Беҳуда сарфланаётган ёнилғилар

СИР ЭМАСКИ, биз хизматдан фойдаланадиган шаҳар транспорти ҳисобланмиш трамвай-троллейбус ва автобусларга қиқиб-тушиш эшиклар сонини кўпайиб, итгарига қараганда кенг ишлаб чиқариляпти. Бу эса транспорт бекатга етиб келганда йўловчилар илдмроқ тушиб-чиқаришга қўлайлик яратиб ва транспорт воситалари беҳуда туриб қолмай, ўрнидан тезроқ қўзғалишига имкон беради.

Йўлимиз тушиб ана шу шаҳар транспортлари хизмати-дан фойдаланишимизга тўғри келиб қолса, даярли ҳар хил ноқулайликларга дуч келиб асабимизни бузишга тўғри келаяпти. Масалан, бекатга биз куватган транспорт етиб келди. Ҳайдовчи тушиб-чиқаришнинг олдинги эшигини текшириб олдинги эшикдан тушир-яптию, чиқадиганлар иккинчи эшикни эшикларнинг охириги кутиб ташқарида туршибди. Шу пайт кейинги иккала эшик очилмайди-да, фақат иккинчи ёки учинчи очилиб, югур-югур бошланади. Бахтингиз келса қиқша улгурасиз, йўқса қолиб кетасиз.

Баъзи инфоли ҳайдовчилар ана шу очилган биргина эшикдан йўловчилар обдон қиқиб бўлгунларича тўхтаб туради. Лекин бунда ёнилги ортиқча сарфланади. Бунинг оқибатида ҳаво ҳам кўпроқ ифлосланади. Бу ҳолларга мана кўплаб йиллар давомида эътиборсиз бўлиб келиняпти. Ҳўш, бунини қандай тушуна бўлади. Мутасаддилар қўл остидаги ҳайдовчилардан чиптаги текшириш бўлганда кейин ҳамма эшиклар очилишини нега талаб қилишмайди? Енг иккинчи эшикдан бири носоз бўлиб, ана шу очил-майдиган эшик ичкариси ва ташқарисига бу эшик ишламаслигини аяллатувчи белги қўйишмайди!

Яна бир гап. Кўп ҳолларда ҳайдовчилар бекатнинг бошланishiга келиб тўхтайдилар. Уни кутиб турган йўловчилар у ерга чапиб боришга мажбур бўлишарди. Шундай қилмасолар бу транспортга қиқша улгурмайди. У ўз ўрнидан қўзғалгунча кейинги етиб келган бошқа транспорт унинг кетида, яъни бекатга етмасдан тўхташа ёки унинг ёнидан олд томон ўтишга мажбур бўлишади. Биз йўловчилар эса иккинчи ёки ў томон қолишим, ё ўз ўрнидада туршишни билмай қоламиз.

Хуллас, шаҳар транспортда юқоридагиларга ўхшаган ноқулайликлар етарли. Шу кунлардаги оғир иқтисодий қийинчилик даврида ҳар бир хом ашёни тежаб-тергаб ишлатишга ҳаракат қилишимиз керак. Бу ҳақда Тошкент шаҳар йўловчилар ташвиш автотранспорт ишлаб чиқариш ассоциациясини мутасаддилари ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Маҳкам ҲАКИМОВ, меҳнат фаррийси.

СўНГИ вақтларда бошлангич таълим соҳасида бир қатор муаммолар юзата келгани сир эмас. Бинобарин, долзарб вазифаларнинг кенг муҳокама қилиш, уларни оқилона ечиш йўлларини ахтариш бугунги кун талаби бўлиб қолди. Албатта, бу энг аввало шу соҳада иланиб, ижод қилаётган олимларга, қолаверса, бошлангич синф ўқитувчиларининг касб маҳорати, ижодкорлиги, яратувчанлиги ва ўз навабига ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликнинг шу ишга нисбатан масъулиятига боғлиқ.

Муаммоларнинг энг асосийларидан бири — бошлангич таълим жараянини қўлайлаштиришдир. Чунки бунга эришмай туриб, самарадорлиқни кўпга киритиш қийин. Шу боис бошлангич синфларнинг жонқуяр, болажон ўқитувчилари яқин 3—5 йиллар давомида ўқитишининг қўлай иш услубларини, воситаларини қидирдилар. Улар ўқув дастурининг мураккаблиги, дарсликлар мазмунини, мавзуларини ва уларнинг матни жиҳатидан ҳамма ўқувчиларнинг ёши ҳусусиатлари (физиологиясига, гигиена-сига, психикасига) мос эмаслиги, яъни оғирлиги ҳақида халқ таълими вазирлигига қимматли тақлиф ва истақлар билдирилган кўплаб ағалар йўллади. Шунингдек, бу ҳақда фаоллар кенгашиларда, анжуманларда, матбуот саҳифаларида баъзи фикрлар баён этилди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаб юқоридаги кўрсатмаларида ҳам юқоридаги қайд этилган фикрлар тасдиқланди.

Мана шунларнинг ҳаммаси сабаб, таълим тўғрисидаги Қонунга мувофиқ равишда 1992-93 ўқув йилидан бошлангич синфда тўрт йиллик таъ-

лим тизимига ўтишди ва шу асосда олти ёшлилар учун иккиридан дастур ва дарсликлар ҳамда уларни ўқитиш бўйича методик қўлланмалардан фойдаланиб иш бошланди. Ҳозирги кунда республикамиз мактаблари тўрт йиллик таълим тизимини бўйича барча дарсликлар ва услубий таълимлар билан таъминлан-

ганларини айтиб ўтиш ўринли. Ушбу ўқув йилида биринчи синфга қабул қилинган иккинчи йилнинг қайта ишланган алфбе ва математика дарсликларини асосида ўқишга ётган ҳам фикримизнинг ёркин далилидир. 2—3—4-синфларнинг барча дарсликлари ҳам ҳозирда қайта ишланиб, нашриётга чоп этиш учун

тасдиқланди. Олти ёшлилар учун чиққан дарсликлардан фойдаланишда ўқитувчилар олдида бир қанча муаммоларнинг пайдо бўлаётгани табиий. Ана шу муаммоларни жойинда ҳал қилиш, ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда бошлангич таълим соҳасида туپланиб қолган саволларга атрафлича жавоб берган мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикасини халқ таълими вазирлигини мактаблар бошқармаси ташаббус билан ажойиб тадбир ташкил этилди. Пойтахтдаги Ун битта районини ҳар бирида барча мактабларнинг бошлангич таълим соҳасида иш олиб бораётган олимлар, дарсликлар муаллифлари ҳамда республика ўқув-услубий марказининг таълим соҳасида бўлиб, амалда қўлланяётган дарсликларга давр талаби асосида ўзгаришлар киритишга муваффақ бў-

лангич таълим услубийчилари навабтан-наваб учрашиб суҳбат ўтказишди. Учрашуларда Ўзбекистон Республикасини халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим мактаблари бошқармаси назорати услубийчилари Турсуной Абдуллаева, «Алфбе» дарслиги муаллифи, Қорғоний номдаги Педагогика илмий-

тадқиқот институтининг бошлангич таълим бўлими мудири, профессор Қумри Абдуллаева, республика ўқув-услубий маркази бошлангич таълим бўлими мудири Сафур Саъдиева ҳамда бошқа бир неча дарсликлар муаллифлари қатнашиб, бошлангич синф ўқитувчиларини қизиқтирган барча масалалар устида батафсил ўлталди. Жумладан, Турсуной Абдуллаева ўқитувчиларнинг мавжуд дарсликлардан ижодий фойдаланишлари зарурлигини айтиб, уларга ёрдам тариқасида саводхонлик дарслири, математика, табиятшунослик ва меҳнат фанлари бўйича дарс тақсимоти таъйёрлангани ва шунлардан саводхонлик дарслири тақсимоти Қорғалпоғистон Республикасини халқ таълими вазирлигига, барча

вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига юборилгани ҳақида ахборот берди. Бошлангич синф ўқитувчиларига ёрдам тариқасида математикадан дарс тақсимоти «Бошлангич таълим» илмий-услубий журналнинг 9-10-сонларида берилди. Республика ўқув-услубий маркази бошлангич таълим бўлими мудири Сафур Саъдиева эса услубий таълимлар таъйёрлангани ва булар тўплам бўлиб 20 минг нусхада чоп этилиб, ўқитувчиларга етказилгани ҳақида гапирди ва келгуси йил чоп этилажак таълимлар, дарсликлар билан таништирди.

Шунингдек, учрашувада иштирок этган дарслик муаллифлари, жумладан, педагогика фанлари доктори Қумри Абдуллаева бошлангич мактабнинг келажак истиқбол йўриқномаси ҳақида, унинг ўзбек миллий урф-одатлари ва қадриятлари руҳи билан сугорилгани тўғрисида гапирди. Шу кунларда бошлангич мактабни алоҳида мактаб сифатида шакллантириш устида ишланяётгани, зарур услубий едабийлар нашр этиш режалаштирилганлиги, шу жумладан 1-синф учун алфбе ва математика дарсликлари, дастурлар таъйёрланганлигини айтиб ўтишди. Кенгашга йиланган районларнинг бошлангич синф ўқитувчилари ўзларига зарур ва фойдали қўлланмаларга эга бўлиши ва шундай семинар-кенгашиларнинг бундан кейин ҳам тез-тез ўтказиб туриш, ўзаро фикр алмашишлар, мунозара ва муҳокама қилишга фойдалан ҳоли эмаслигини алоҳида таъкидлашди.

Ўзлфия ДУСМУҲАМЕДОВА, «Бошлангич таълим» журналнинг бўлими мухаррири.

## \* Келажакимиз—мактабда Фойдали йўлланмалар олишди

Аммо бу дарсликлар, услубий қўлланмаларни ҳозирги давр талаби даражасида деб айтиш қийин. Таълим тўғрисидаги Қонун кичик қирғандан сўнг орадан ўтган икки ой ичида янги дарслик тайёрлаб улгурди имконияти йўқ, албатта. Ҳўш, бошлангич синф ўқитувчилари бундай шариошда нимадан фойдаланиб дарс ўтишди.

Биринчи синфга қабул қилинган иккинчи йилнинг қайта ишланган алфбе ва математика дарсликларини асосида ўқишга ётган ҳам фикримизнинг ёркин далилидир. 2—3—4-синфларнинг барча дарсликлари ҳам ҳозирда қайта ишланиб, нашриётга чоп этиш учун тасдиқланди. Олти ёшлилар учун чиққан дарсликлардан фойдаланишда ўқитувчилар олдида бир қанча муаммоларнинг пайдо бўлаётгани табиий. Ана шу муаммоларни жойинда ҳал қилиш, ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда бошлангич таълим соҳасида туپланиб қолган саволларга атрафлича жавоб берган мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикасини халқ таълими вазирлигини мактаблар бошқармаси ташаббус билан ажойиб тадбир ташкил этилди. Пойтахтдаги Ун битта районини ҳар бирида барча мактабларнинг бошлангич таълим соҳасида иш олиб бораётган олимлар, дарсликлар муаллифлари ҳамда республика ўқув-услубий марказининг таълим соҳасида бўлиб, амалда қўлланяётган дарсликларга давр талаби асосида ўзгаришлар киритишга муваффақ бў-



УЗБЕКИСТОН Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида рангтасвирчи ижодкорлар — Акмал Икромжонов, Муҳаммад Нуриддинов, Собир Раҳметов ва Яхья Мансуровнинг 150 га яқин мазрали, воқеабанд, композиция, натюрморт ҳамда портрет ишлари намойиш этилмоқда. Маззулар, қизиқишлар ва услублар жиҳатидан уларнинг ўзаро муштарак томонлари бўлса-да, ҳар бир расм олдидаги ижодий мақсадни ўзига хос тасвирий воситалар ёрдамида ҳал қилиши билан маҳорат, фелсафий мушоҳада даражаси билан бир-бирдан фарқ қилиб туради.

Айниқса, А. Икромжоновнинг портрет асарлари бошқаларникидан композиция кўрилиши, мазмун кўлами ва тасвир аниқлиги билан ажралиб туради. Унинг «Автопортрет», «Малик», «Мадина», «Пориурма портрет», «Комила», «Хосият», «Бону портрети» каби рангтасвирларида акс эттирилган кишиларнинг қиёфалари муваффақиятлиги билан кўзини қувонтиради. Томошбин асарлардаги мазмун ва моҳияти тез аниқлаб олади, чунки тасвир муккамал ҳамда пухта, образ ички дунёси, унинг кўз қарашлари, қўли ва гавдаси ҳолати, атрофидаги муҳит ишончли қилиб кўрсатилган. Мусаввирнинг «Орол» меннинг дарди», «Замин муқаддас», «Ганг навоси», «Қушларни боқиб», «Камолдин Бахтод» каби асарларида эса ҳар дом ҳам сўз билан ифода қилиб, айб бериш мумкин бўлмаган нимадир бор, худди ўша бадийликнинг юқори даражаси беҳтёр кўнгилга илиқлик ва нафосат шабадасини уфурди. Тасвирда нима акс эттирилшидан қатъи назар, унинг ҳал этилишида рангларнинг муҳим аҳамияти биллиниб туради.

«Орол — меннинг дардим» асаринда табиат инкирозидан энг аввал одамлар — аёллар, болалар, ҳатто ҳали туғилмаган келажак авлод жабр кўради. Бунга йўл қўймай, деган дэват назаримизда секин, дард билан айқинлашади, кўлдан қоматга келтирувчи, дилин ўрғовчи ва ниҳоят фалонлиқ ундавчи бир қаҳриқини, оғоҳлантириши илғаб оламиз. Бу асарнинг моҳиятини очиб беришда бўғик қиримизи, қора, нафронан ва кулранлар тасвирчи аҳамият касб этган. «Замин муқаддас» эса ота-боболар ерининг тарихи, уф-одатлари, ёшлик-гузал-

лик, маъмулик, оталар ёдига содиқлик, кексалик — донолик, панду насихат, юрт ободлиги, ватанпарварлик тушунчалари қиз ва кекса бахш образларида мужжасам — толганини кўрамай.

Унда ҳаёт давоийлиги, абданлиги фалсафаси мезон қилиб олинган.

Мусаввирнинг «Лимонли натюрморт» асари муаллиф маҳоратининг юқори эканлигига бир исботдир. Унда оддий чинчи чой идиши, чойнак, гўлдон, ликбоқдаги лимон гўлдор дастурхон устида тургани тасвирланди, мўйқалам соқиб акс эттирилган ҳар бир нарсани муҳитда қандай жойлашганини, унинг ранги, ўзига хос хусусиятларини тўлақонли ифода этишга қатъи эътибор берган. Шундан бўлса керак кўнглимиздан расм-иҷодкор учун тасвирда иккинчи даражали нарсани йўқ экан, деган ўй-фикр кечади.

Расм М. Нуриддиновнинг ижодий йўлининг кўп қисмини портрет ва манзаралар бўлиши аҳол кўриниб туради. Унинг истеъдоди, аниқлиги, «Эски Севзор», «Янги Тошкент», «Емгирдан сўнг», «Чошгоҳ», «Наманган» каби манзара рангтасвирларида намоён бўлган. «Оналик» асари эса мураккаб маззули портретлар сирасига кирса-да, унинг ўзаро уйғун ранглар воситасидаги ҳаққоний тасвири ҳар қандай киши диққатини тортадиган даражада маҳорат билан ишланган.

Кўргазмада С. Раҳметовнинг ҳар соҳада бирдэй биллимонлиқ, укув билан яратилган ижодий ишлари маззуд. Улар қаторида энг аввал «Ғафур Гулом», «Юнус Рамабий» маззули портрет асарлари, «Нур ва зулмат», «Бойсун одамлари», «Оқшоми» фелсафий воқеабанд композицияларини санаб ўтиш мумкин. «Оқшоми» асари эратакана, бўғик, оғир бир сукунати билан ҳар қандай киши эътиборини жалб қилади. Уткинчи умр, ҳаёт фелсафаси, бахт-иқбол, тушунлиқ, тақдирга тан бериш тушунчалари, инсон ҳаётининг маз-

лини табиатга ўхшатиш, қиёслаган воситасида кўрсатилган. Шунинг мезори қилиб, шонини кўтаролади «бахт» деган сўз, «баданлари тўлиқ бўлиқ дархат, «қуритилиб» мезори беришдан маҳрум қи-

эрамда акс эттирилган. У нафосат тимсолидир. Рангтасвирнинг иккинчи қисмида эса бир-бирига қарши бораётган асарлар тимсолида жангу жадаллар, қабоҳат ва рэзюлатни хоҳловчи аксон этувчи ёвуз кучлар гиж-гиллаши тўғрисида аниқлаштириш ўз аксини топган. Уткинчи қисмида ўш йилнинг оти билан турибди. У ҳам гузал боғда сарой қаршисида содиқ жон-

зодлари, қушлари қуршоида акс эттирилган. Олдида ётган йўлбарс тимсолида эса, йилнинг соқини кўринишига қарама-қарши бўлган ички мазнавий ва руҳий қудрати намоён бўлган...

Кўргазма ўн йиллар мобайнида ва сўнгги кунларда яратилган асарлардан ташкил толган бўлиб, мусаввирларнинг тасвирий санъат ихлосмандлари ҳамда ҳамкасблари олдидаги ўзига хос ижодий ҳисоботида.

Баҳром ТОҶИБЕВ.

И. Мансуровнинг манзара асарларида эса табиатга нафосат билан қараш, ранглар уйинига муштоқлик, атроф-муҳитга дилбарлик ила назар

СУРАТЛАРДА: А. Икромжоновнинг «Бодомхон ва портрети»; «Қўшқир»; М. Нуриддиновнинг «Шаҳар қурилмоқда» асарларидан кўчирма.

Ташлаш, узеблар учқурлиги кайфияти мужжасам. Бу жиҳатлар айниқса «Қизил кўп-қатла» ва «Баҳор кунини», «Шаҳона айвон-судхатона» каби асарларда ўз аксини топган.

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ!**

Янги йил байрами шодиёналари олдида шаҳримизнинг умумий овқатланиш корхоналари тармоғи сизларга турли хизматларнинг кенг дастурини умумий овқатланиш корхоналари ёки хонадонингизда кўрсатишни таклиф этади.

Тошкент ресторанлар трестининг «Зарафшон», «Тошкент», «Россия», «Чилонзор», «Турон», «Фестиваль», «Баҳор» ресторанлари, «Дўстлик» қаҳвахонаси, шунингдек, Яқкасарой районидagi «Смэгл», «Табассум», «Феруза» қаҳвахоналари, Сергели районидagi «Сирдарё», Миробод районидagi «Сангам», «Нуроний», «Мирзо», «Салом», «Наврўз» ҳамда Акмал Икромов районидagi «Москва», «Натта боғ» қаҳвахоналарида Сиз Янги йил тантаналарини байрам қилишингиз мумкин. Мазкур ресторан ва қаҳвахоналарда ташкилотлар, саноат корхоналарининг жамоалари ва ёрқин шахслардан байрам кечаларини ўтказиш учун олдидаги буюртмалар қабул қилинади. Бундай тантаналарда Сизларнинг хоҳиш-истақларингизга мувофиқ байрам дастурини кенг асортиментдаги таомлар ва махсулотлар билан безатилади, шунинг билан бирга ажойиб музикавий дастурдан ҳам баҳраманд бўласиз.

Чилонзор даҳқасида истиқомат қилувчи аҳоли оилавий тушлик ёки Янги йил кечасини 18 маззада янгиликдан очилган «Мевозор» қаҳвахонасида ўтказишлари мумкин. Яқкасаройликларини эса дид билан безатишга Янги «Сеул» қаҳвахонасида хушхўр корейс таомлари ва чаққон официантлар кутади.

Хоҳишингизга кўра ўзингизга яқин кишилар даврасида Янги йил кечасини байрамона безатишга томошалардан баҳраманд бўлган ҳолда «Зарафшон», «Баҳор», «Чилонзор», «Тошкент», «Турон», «Фестиваль», «Россия» ресторанларида хуш кайфият билан ўтказишингиз мумкин. Ушбу ресторанларда Янги йил кечасини ўтказиш учун буюртмалар 18 декабрдан бошлаб қабул қилинади.

Агарда Сиз байрам тантаналари ёки Янги йил кечасини ўзингизда оила аъзоларингиз ва яқин кишиларингиз даврасида ўтказишни истасангиз ва Сизга ёрдам керак бўлса, у ҳолда:

Мирзо Улугбек районидagi Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган туртинчи (телефон: 67-99-82), Черадцев даҳқасида жойлашган еттинчи (телефон: 62-63-34), Чилонзор районидagi «Зарафшон» ресторани қошдаги (телефон: 33-78-30), Миробод районидagi «Баҳор» ресторани қошдаги (телефон: 33-18-22), Халқлар Дўстлиги кўчасидagi 2-қаҳвахона қошдаги (телефон: 45-23-35) тайёр масалликлар (кўнликлар) дўконлариди ҳар хил сабзавотлар, балик, парранда, гўштдан тайёрланган турли хил ярим тайёр махсулотлар, илғийл махсулотлар, пазандлик ва қандолат махсулотлари, илғийл ишбарликлар, тамирнинг ҳар хил турлари ва бошқа кўп хил нарсаларни харид қилишингиз мумкин.

Юнусобод районидagi «Муборак» қаҳвахонаси (телефон: 33-36-80), шаҳар пархаз таомлар оҳонаси (телефон: 33-47-01), Яқкасарой районидagi «Дилором» қаҳвахонаси (телефон: 55-03-10) ҳамда Миробод районидagi 1-қаҳвахоналарда Сиз махсус торлар, пирожникларга буюртмалар беришингиз ёхуд уларни ўша ерининг ўзидан харид қилишингиз мумкин. Бундан ташқари Ушбу кўчада жойлашган «Дилором» қаҳвахонаси Сизлардан ҳар хил турдаги миллий нонларни тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилади. Буюртмачининг хоҳишига кўра махсулотлар тизмани учун прейскурант бўйича ҳам олингани ҳолда унинг уйига ҳам етказиб берилиши мумкин.

Тошкент ресторанлар трестининг «Баҳор», «Чилонзор», «Тошкент», «Зарафшон», «Турон», «Фестиваль», «Россия», «Дўстлик» ресторанлари ва «Дружба», «Гунора» қаҳвахоналари, Яқкасарой районидagi «Мовий гулбағлар», «Дилором», «Феруза» қаҳвахоналари аҳолидан уйга қўшимча пуллиқ хизматлар кўрсатиш учун буюртмалар қабул қилади. Янги, энг яқин уста-ошпазлар ва қандолатчи Сизнинг истеъдодингизга кўра буюртмачининг ёхуд умумий овқатланиш корхонасининг масалликларидан кенг асортиментдаги пазандлик ва қандолат махсулотларини тайёрлаб беришда, дастурхонингизни байрамона безатишга кўмаклашувчи, хизмат кўрсатиш учун энг яқин официантларини юборишда, ўзингизни тозалаш ва идиш-товуқларингизни ювиш юзасидан ҳам ўз кўмакларини беришда.

**ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ!**

1992 ЙИЛ 16 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ СИЗ ХАЛҚАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛЮҚАСИ БУЙИЧА ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИГА ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭҒА БУЛАСИЗ!

Бунинг учун «8» рақамини териб, узлуксиз сигнал эшитилгач, «10» рақамини, сўнгра чақирилаётган абонент яшайдиган мамлакат кодини, шаҳар кодини ва ўша абонентнинг телефон рақамини териб сарар.

Масалан, Сиз Деҳлидаги 34-22-87 телефон рақами бўйича қўнғироқ қилмоқчисиз, дейлик. Бу ҳолда териладиган рақамлардаги «эчилик қуйидагича бўлади:

8 — (узун сигнал), 10 — (халқаро станция), 91 — (Хиндистон коди), 11 — (Деҳли коди), 34-22-87 (абонент телефон рақами).

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН: 44-39-31. Мамлакатлар ва шаҳарларнинг кодлари «Ташкентская неделя», «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталари саҳифаларида тез кунлар ичнда эълон қилинади.

РЕКЛАМАЛАРНИ КўЗАТИВ БОРИНГ! «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот қотиби Шавкат Яқубовга волидан муҳтарамларин Мухаррам ЯҲЕЕВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдёрлик билдиради.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

АВТОМОБИЛЬ дунёга келибдики, шу вақтдан бошлаб пивдалар учун хавф туғилди. Транспорт ҳаракатини маълум тартибга солиш, пивдалар учун хавфсизлик туғдириб мақсадда светофор жорий этилди, ер ости ўтиш йўллари бунёд қилинди. Бинобарин, Давлат автомобил нazorати ходимлари йўл ҳаракати қондаларини бузувчи пивдалар билан қанчалик тушунтириш ишлари олиб бормасинлар, барибир қўлба одамлар машина ёлдирақлари остида қолиб ҳаётдан куз юмолма, турли тан жароҳати олаётганлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Шунинг хисобга олиб 1960 йилда ДАН ходимларига

шар, энг фаол автоназоратчилар эса мукофотланарди. Бу эса ҳайдовчилар ва пивдалар орасида интизомни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаганди. Йўл-транспорт ҳодисалари ҳам бирмунча камайганди.

Афсуски, кейинги йилларда мазкур бошқару тузилмалари деврли фаолият кўрсатмапти. Жамоат гуруҳлари устидан қўбдорликнинг амалга оширилмаслиги эса уларнинг ишига кескин таъсир қилди. Бинобарин, кейинги йилларда автоназоратчиларни катта йўлларда кўрмайлиқ, кўпгина автокорхоналарда эса махсус назоратчилар гуруҳлари ўз фаолиятини тўтати.

Оқшнинг айтганда, ДАНга жамоат томонидан ёрдам керамини, деган савол туғилганда автоназоратчилар кўмаги факат Давлат автомобил нazorати хизмати уюнига эмас, балки автокорхоналар учун ҳам жуда зарур деб ҳамма бир овоздан айтганди. Бу савол яна бошқаларини ҳам туғдирди: махсус назорат гуруҳларининг ишини фаолаштириш мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак!

Бу борада Мирзо Улугбек районидagi ларнинг ишлари ибратлидир. Улар жамоатчилигини бу хайрли ишга бемалол жалб этса бўлади деб ҳисобламолдлар. Чунки, яқинда район мўқсади автокорхоналарнинг директорлари ва муҳандислари иштирокида мажлис ўтказилиб махсус назоратчилар гуруҳлари ишини тиклаш ҳақида келишиб олинди. Ва аввал-амбор уларга моддий ёрдам кўрсатиш, кўнглилар фаолиятини бошқардиган жавобгар шахсларни тайинлаш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Орада пайдо бўладиган қўлба қи-янчилик ва тўсиқларга қарамай биз махсус кўнглилар хизмати тарафдоримиз. — дейди 8-автобазанинг директори Р. С. Иброҳимов. — Бу йил биз «Ҳаракат хавфсизлиги учун» таловини ўтказамиз. Унда гоилларни тақдирлаш учун 20 минг сўм севрғиларини инат қилиб қўядик. Бундан ташқари жамоат назоратчисини уш кўнглик пул тўланадиган меҳнат ташли билан ҳам таъминлайимиз. Автоназоратчининг ҳар бир навбатчилик соати учун эса 12 сўм 50 тийиндан пул тўлаваемиз. Бинобарин, махсус назоратчилар сафи бир оз сийрақлаша ҳам, уларнинг фаолиқлари анча юқоридир. Биз корхонамизда уларнинг ишларини янада яхшилаш мақсадида тажрибали ҳайдовчилардан В. Цетко ва Н. Немцевлар раҳбарлигида уларни икки гуруҳга бўлдик.

Илгари бизда 65 нафар автоназоратчи фаолият кўрсатарди, ҳозир уларнинг сонини 25 тага тушиб қолди, — судхатга кўшилди. 1-автобазанинг, директорини М. Т. Гуломов. — Бозор иқтисодийти муносабатларига ўтишини билан назоратчиларнинг моддий қўлба-қувватлаш ҳам оғир бўлиб қолди. Бироқ шунга қарамадан биз уларга қўшимча таъти, молиявий аҳолининг хизмандлидан сўнг эса автоназоратчиларини рағбатлантириш учун албатта моддий кўмак берамиз.

**\* Ҳаракат хавфсизлиги учун Кўнглилар Ёрдами Керакми?**

Орада пайдо бўладиган қўлба қи-янчилик ва тўсиқларга қарамай биз махсус кўнглилар хизмати тарафдоримиз. — дейди 8-автобазанинг директори Р. С. Иброҳимов. — Бу йил биз «Ҳаракат хавфсизлиги учун» таловини ўтказамиз. Унда гоилларни тақдирлаш учун 20 минг сўм севрғиларини инат қилиб қўядик. Бундан ташқари жамоат назоратчисини уш кўнглик пул тўланадиган меҳнат ташли билан ҳам таъминлайимиз. Автоназоратчининг ҳар бир навбатчилик соати учун эса 12 сўм 50 тийиндан пул тўлаваемиз. Бинобарин, махсус назоратчилар сафи бир оз сийрақлаша ҳам, уларнинг фаолиқлари анча юқоридир. Биз корхонамизда уларнинг ишларини янада яхшилаш мақсадида тажрибали ҳайдовчилардан В. Цетко ва Н. Немцевлар раҳбарлигида уларни икки гуруҳга бўлдик.

Илгари бизда 65 нафар автоназоратчи фаолият кўрсатарди, ҳозир уларнинг сонини 25 тага тушиб қолди, — судхатга кўшилди. 1-автобазанинг, директорини М. Т. Гуломов. — Бозор иқтисодийти муносабатларига ўтишини билан назоратчиларнинг моддий қўлба-қувватлаш ҳам оғир бўлиб қолди. Бироқ шунга қарамадан биз уларга қўшимча таъти, молиявий аҳолининг хизмандлидан сўнг эса автоназоратчиларини рағбатлантириш учун албатта моддий кўмак берамиз.

ХА, Мирзо улугбекликларнинг ниятлари яқин. Шоҳад шайриимиздаги бошқа районларда ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўнглилик мажлис нозоратчилар гуруҳларини ташкил этиш учун бош қўшадиган кўнчалар кўпайса.

ДОБРОВОЛЬСКИЙ — «МАРСЕЛЬ»ДА ФРАНЦИЯНИНГ машҳур «Марсель» клуби президенти Бернар Тапи бошқа жамоага кетган Жан-Пьер Палевининг ўрнини тўлдириб ниятида Италиянинг «Женоасида» тўп сураётган Игорь Добровольскийни ўз клубига таклиф этди. Эндиликда россиялик футболчи Европанинг чемпионолар лигаси ўйинларида иштирок этиш имконига эга бўлади.

ГУЛЛИТ ҚАЙМОҚЧИ ТАНИҚЛИ кўжумчи, бугунги кунда Италиянинг «Милан» жамоаси шарфини ҳимо қилётган Рууд Гуллит шу йилнинг октябр ойида Голландия тарма жамоаси ўйинларида иштирок этишдан бош торганди. Тарма жамоа тренери Дик Адвокатининг айтишича, кўни кеч Рууд ўз қароридан қайтганлигини билдирган. Лекин мураббийлар Голландия тарма жамоаси сафида 62 ўйин ўтказган бу 30 йшли кўжумчининг илтиқатини кеңириб, 16 декабрда Туркия тарма жамоасига қарши майдонга тушишига рухсат беришлари, йўқми — номаълум.

**\* Маданият хабари**

**Жўшқин ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ**

Бундан ярим аср муқаддас диёриимизда мустақил ўзбек цирки ижодий жамоаси тузилган эди. Уша Улуг Ватан урушининг оғир 1942 йилида Ўзбекистон циркини ташкил этишга дадил киришилди. Цирк санъатининг кўзга кўринган вакиллари ўш атрофида уюштирган мазкур санъат аҳли дастлабки томошаларни тайёрлашга киришиб кетди.

Уша қизқарли цирк томошасининг дастури сенарийини атоқли шоир Ғафур Гулом ёзган бўлиб эди. Уни цирк саҳнасига олиб чиқишда таниқли санъаткорлардан Н. Байкалов билан Бобожановлар катта ижодий гайрат кўрсатдилар. Томошада ижро этилган рақсларини эса машҳур санъаткор Тамарахонини постановка қилди.

Утган йиллар мобайнида Ўзбекистон цирки катта ижодий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбек дорболлари, полволлари кўрсатган томошалар кенг овоза бўлиб кетди.

Шу шоили сана муносабати билан ижодий жамоалар тўёна томошасини тайёрлашга киришилди.

Акбар АЛИЕВ.

кўмак сифатида Тошкент ДАНБ, марказлаштирилган юк ташвиш трести ва йўловчилар ташвиш Тошкент шаҳар автомобил трестининг ташаббуси билан махсус кўнглилик халқ назоратчилари гуруҳлари ташкил этилганди. Орадан бир неча йил ўтгач эса шундай жамоат бўинлари корхона, ташкилот ва ўкув муассасалари қошида ҳам тузилди. Унинг фаолиятининг асосида эса пивдалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, кўчалар ва чоррақаларда уларнинг хатти-ҳаракатларини назорат этиш ётарди.

Бу иш ўзининг катта ижобий самарасини ҳам берганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, 1990 йилда шаҳримизда ўзига 40 мингдан ортиқ кишини билдиштирган 280 та махсус халқ назоратчилари кўнглилик гуруҳлари фаолият кўрсатарди. Улар ДАН билан ҳамкорликда транспорт ва пивдалар ҳаракатини назорат этишар, тўқнашуво ҳолатларини бартараф қилишар, шунингдек, ҳайдовчилар ва мактаб ўқувчилари ўртасида судхатлар ўтказишар, ҳатто транспорт воситаларининг техник ҳолатини ва йўлларнинг сифатини назорат қилишда фаол қатнашишарди. Эҳ-ҳе, кўнглилик назоратчиларнинг транспорт ҳаракатини бошқаришни яхшилаш борасидаги қанчадан-қанча таклиф ва истақлари инобатга олинмади, дейсиз. Уш навбатидан ДАН томонидан ҳам жамоат билан ишлаш сифатини яхшилаш мақсадида махсус хизматлар ташкил этилиб, уллар жамоатчиларнинг фаолиятига баҳо бери-

Даврон НУРМАТОВ.

ОСИЕДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ ФИФА ўзининг Цирихдаги йиғинида 1994 йилги жаҳон чемпионоати доирасида Осн китасида ўтадиган икки тавсиф туринининг манзилларини белгилди.

Унда «Д» гуруҳига кирувчи Лиан, Гонконг, Хиндистон, Жанубий Корея ва Бахрай жамоалари иштирок этадилар. Биринчи турир келгуси йилнинг 7—15 май кунлари Байрутда, иккинчиси 5—13 июнь кунлари Жанубий Кореяда бўлиб ўтади.

Шўҳрат ЗОКИРОВ.

**Тошкент оқшоми**

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўригини учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар эътимасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилик концернининг босмаҳонаси.